



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

# O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№ 22 (975)

2026 йил 31 март, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Меъмор  
аёлнинг  
илм ва  
жамиятга  
хизмати



## Воҳа аҳли эртанги кунга ишонч билан қарамоқда

Маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятида 2020-2024 йиллар давомида 16 256 та хонадонли кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушба йиллари 2 901 нафар ҳамюртимизга 92,8 млрд сўм субсидия маблағлари тўлаб берилгани аҳолининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилатганидан далолат беради.

**Нигора НОЗИМЖОНОВА,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Утган 2025 йилда эса вилоятда 9 200 та хонадондан иборат 156 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу рақам шунчаки ҳисобот эмас, бу минглаб оилалар ҳаётида янги босқич бошлангани фарзандлар учун муносиб шароит яратилгани, ота-оналар қалбига хотиржамлик киргани демаскир.

– Бугунги кунда шаҳар ва туманларимизда қурилатган иморатларни кўриб кишининг ақли шошади, – деди Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Поён Бақиров. – Туманларда 15 қаватли, тоғли жойларда 9-10 қаватли уйларнинг қад ростлаши инсонларнинг тушига ҳам кирмаган. Яратилаётган шароитлардан оқилонга фойдаланаётган халқимизнинг асосий қисмининг бугунги кунда ўз уйи, ватани бор. Хотирамда бор, илгарилари бир хонали квартирани олиш учун одамлар 10 йиллаб навбатда туришган. Ушанда ҳам баъзилар олган, баъзилар эса йўқ.

Инсон ўз уйига эга бўлсагина эртанги кунга ишонч билан қарайди. Фарзандлар камоли учун мустаҳкам пойдевор яратади. Меҳнати самарасини ўз рўзғори равақига бағишлайди. Айни дамда Сурхондарё вилоятининг 5 та ҳудудида бунёд этилаётган "Янги Ўзбекистон" массивлари ана шу эзгу мақсаднинг амалий ифодасига айланмоқда. Биргина 2025 йилнинг ўзида ушбу массивларда фойдаланишга топширилган 45 та кўп қаватли турар жой бу ерга кўчиб келган 1 568 та оила ҳаётида унутилмас воқеага айланди.

Термиз шаҳри нафақат вилоят маркази, балки бутун жанубий ҳудуднинг иқтисодий маданий ва тартегик таянч нуқтаси ҳамдир. Бугун бу шаҳарда амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари унинг мутлақо янги қиёфада шаклланаётганидан далолат беради.



▲ Термизда бунёдкорлик авжида.



Муносабат

## Учинчи Ренессанс бунёдкорлиги

**Иқбол МИРЗО,**  
Ўзбекистон халқ шоири.

Замон шиддатидан баъзан ақлимиз лол қолади. Замонамиздаги вазибалар, уй-рўзғор, бола-чақанинг ширин ташвишлари билан андармон бўлиб кунлар ойга, ойлар йилга уланади. Шу орада ён-атрофга қарашга, маҳалламиз, шаҳримиз, умуман, юрtdаги ўзгартишлар, янгиланишларни кўришга, идрок этишга доим ҳам вақт топа олмаслигимиз бор гап. Устозларимиз ёғандай, "Чапма қошида тинч сув/Қадрини билмас киши".

Шундай чоғларда янги объектларнинг очилгани ҳақида эшитсак, бориб кўрсак, улар худди Ойдан тушгандай таассурот қолдиради. Беҳтиёр кечагина бу ерлар пана-пастқам биноли овул ёки яйдоқ қир булганганини ўйлаб қоламиз.

Утаётган ҳафта мамлакатимизда тарихий воқеаларга бой бўлди. Аввало, қуёш ва ой тақвимига кўра нишонланадиган Рамазон ҳайити ва Наврўз байрамнинг бир-бирига мувофиқ келишидек камёб ҳодисага шохид бўляпмиз. Халқ таъбири билан айтганда, тўйлар тўйга, байрамлар байрамга уланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида халқимизнинг юксак ақл-заковати, фидокорона меҳнати билан бунёд этилган муҳташам ва муаззам иморатлар – Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ҳамда Имом Бухорий мажмуасининг тантанали очилиши, ҳеч шубҳасиз, шу саодатли кунларнинг энг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Маълумки, ўлкамиз ҳудуди асрлар давомида жаҳон тамаддуни марказларидан бири сифатида ислом маданияти ва илм-фани ривожига бекиёс ўрин тутиб келган. Буюк мутафаккирлар, алломалар ва муҳаддислар етиштириб чиққан бу табаррук заминда бой маънавий мерос шаклланган. Ана шу улкан меросни асраб-авайлаш, уни чуқур ўрганиш ва кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида барпо этилган Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази айни пайтда халқаро аҳамиятга эга илмий-маърифий маскан сифатида эътибор қозонмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Тошкентда Ислам цивилизацияси маркази бунёд этилаётгани ҳақида тўхталиб, муқаддас динимиз эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга, илм-маърифат йўлига дэъват этишини, уни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганлар билан мурося қилиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган эди. Ана шу юксак гоё ва мақсадлар асосида бунёд этилган янги мажмуа халқимизнинг уч минг йиллик тарихи ва бунёдкорлик салоҳияти, жаҳон тамаддунига қўшган улкан хиссаси, буюк аждодларимизнинг маданий-маърифий меросини

“

Марказнинг асосий зали, таъбир жоиз бўлса, қалби – бу, ҳеч шубҳасиз, муқаддас Куръон залидир. Бу ерда дунёдаги энг қадимий 6 та Куръони каримнинг бири бўлган мўътабар Усмон мусҳафи бугун ўзининг юксак мақомига муносиб шарафли ўрин топди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

чуқур ўрганиш ва кенг оммалаштиришга хизмат қилади.

Марказ биноси Президент Шавкат Мирзиёевнинг меъморий гоё ва тақлифлари асосида лойиҳалаштирилган. Бунёд этиш жараёнида давлатимиз раҳбари ушбу мажмуага бир неча бор ташриф буюриб, унинг маъмуни ва шакл янада мукамал бўлиши юзасидан қимматли тавсия ва маслаҳатларини улашди.

Мажмуа маҳобатини хис қилиш учун бир неча рақамларни келтиришнинг ўзи кифоя. Хусусан, Марказ Тошкентнинг машҳур Ҳазрати Имом мажмуаси ҳудудидаги 10 гектар майдонда барпо этилган. Бино уч қаватдан иборат бўлиб, узунлиги 161 метр, эни 118 метрни ташкил этади. Гумбазининг баландлиги 65 метр, умумий фойдаланиш ҳудуди эса 42 минг квадрат метрдан зиёд. Қувонарлиси, бу каби ноёб кўрсаткичлар мажмуани "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритиш учун ҳам асос бўлади.

## “Яшил макон” дастури Мирзачўлда жадал амалга оширилмоқда

Мамлакатимизда экологик муҳитни яхшилаш, яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда аҳоли учун қулай ва соғлом яшаш шароитларини яратиш мақсадида “Яшил макон” умуммиллий дастури изчил амалга оширилмоқда. Мазкур дастур доирасида Мирзачўл туманида ҳам кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

**Алишер ОҚИЛОВ,**  
Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси Ахборот хизмати мутахассиси.



▲ Мирзачўлда “Яшил макон” лойиҳаси.

uzbunyodkor.uz  
info@uzbunyodkor.uz  
uzbunyodkor

t.me/uzbunyodkor  
uzbunyodkor  
qurilish.today



## Муносабат

▼ Ислом цивилизацияси маркази.



# Учинчи Ренессанс бунёдкорлиги

➔ 1 Марказ қадимий ва миллий меъморчилик анъаналари асосида қурилган, унга тўрт томондан – тўрт асосий портал орқали кириш мумкин. Ушбу порталлар ва бинонинг ташқи равоқлари илм-маърифат, бағрикенглик, инсонийлик ва ота-онага ҳурмат мазмунидagi Қуръон оятлари ҳамда ҳадислар билан безатилган.

Шунингдек, бу ерда энг замонавий технологиялар кенг қўлланган. Виртуал ва кенгайтирилган реаллик, сунъий интеллект ҳамда голограмма ёрдамида қадимий қўлэмалар “жонлантирилади”, тарихий илмий муҳит рақамли шаклда қайта тикланади. Томошабин бевосита жараён иштирокчисига айланади, буюк олимлар билан виртуал мулоқот қилиб, илмий тажриба муҳитини ҳис этиди.

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази маҳобати, майдони, қамровига қўра, ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияларини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган жаҳондаги йирик мажмуалардан бири ҳисобланади.

Марказ маҳобати ва малохати ҳар қандай но-зиктаб инсонни ҳам ўзига тортади. Дилда мустаҳкам деворлар, улугвор эшиклар ортида нима борлигига қизиқиш уйғотади. Китоб муқовасига монанд мазмун ҳам теран ва гўзал бўлиши керак. Шу маънода, Марказнинг “мағзи тўқ” бўлишини таъминлаш борасида илгари тарихимизда қўрилмаган ишлар амалга оширилди. Яъни мажмуанинг қурилиши ва экспонатлар билан бойитилиши параллел олиб борилди. Утган йилнинг ўзида 1,5 мингдан ортиқ экспонат, жумла-

дан, 800 га яқин қадимий қўлэма, археологик топилма ва тарихий хариталар экспозицияга жойлаштирилган. Аини вақтда хоржий аукцион уйлари, йирик коллекционер ва арт дилерлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, 743 та экспонатнинг оригинал, яъни асл нусхалари юртимизга келтирилди.

Марказ жамоаси буюк алломаларимизнинг дунё бўйлаб сочилиб кетган илмий меросини қайтариш устида тинимсиз ишламоқда. Қўплаб

коллекционерлар ва жадидларнинг авлодлари ўзларида сақлаб қолган нодир манбаларни Марказга тақдим этаётгани, фуқаролар томонидан асрлар давомида оилавий мерос сифатида сақлаб келинган қўлэмаларнинг топширилиши миллий меросга бўлган юксак эҳтиром намунасидир.

Мажмуа таркибидagi кутубхона фонди 45 минг 150 тадан зиёд адабиётни қамраб олган, шундан 2 минг 609 таси нодир нашрлар. Бўлимлардан бири 22 нафар маърифатпарвар жадид бобомизнинг меросига бағишлангани миллий ўзликни англаш йўлидаги яна бир муҳим қадамдир. Жавонлардан Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби миллат фидойиларининг фотопортретлари ўрин олган. Ҳар бир жадид сиймоси ёнида улар томонидан ёзилган нодир адабиётлар, фаолиятига оид ноёб талқинотлар ва ўша даврнинг ижтимоий-сиёсий манзарасини акс эттирувчи манбалар сақланмоқда. Бу бўлим келажак авлод учун ҳақиқий тафаккур мактаби бўлиб хизмат қилади.

Кутубхонада буюк мутафаккирларимиз ташкил этган илмий мактаблар буйича ҳам алоҳида бўлимлар бор. Бу ерда уларнинг асарларига ёзилган шарҳлар ва замонавий илмий талқинотларнинг тўпланishi тарих ва бугун ўртасидаги маънавий кўприкни мустаҳкамлайди. Ушбу нодир кутубхонани миллатимизнинг “генетик код”ини асровчи ўзига хос ҳазина, дейиш мумкин. Марказда тўпланаётган ҳар бир нодир қўлэма ва китоб Ўзбекистоннинг ёруғ келажиги учун хизмат қиладиган илм булогидир. Эро, маърифатпарвар аждодларимизнинг меросини ўрганиш ва уни халққа етказиш – бизнинг нафақат қарзимиз, балки Янги Ўзбекистоннинг буюк келажигига қўйган энг катта сармомиздир.

Давлатимиз раҳбари Марказ билан танишишни Қуръони карим залидан бошлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, бу залининг энг ноёб манбаси бўлган Усмон Қуръони Буюк Теурийдлар давридан кейин бугунгидек шарафланмаган эди.

Ушбу Мусхаф уч асрдан зиёд вақт давомида Самарқандда, кейин қарийб ярим аср чор Россияси кутубхонасида, етти йил Уфа шаҳрида, олтинчи беш йил совет Ўзбекистон музейларида асраб келинди. 1989 йили Ўзбекистон ҳукумати-нинг қарорига биноан Тошкентдаги Урта Осие ва Қозғистон мусулмонлари идораси ихтиёрига топширилди. Шундан кейин Мусхаф Мўйи Муборак таркибидagi махсус бинода сақланди.

Эндиликда Ислом цивилизацияси марказининг Қуръони карим залидан жой олди. Китоб жойлаштирилган махсус ойнаванд, сандикка ақинлашар экансиз, махсус мўлпинг голограммасида коинот тасвири намоен бўлади. Эътиборлиси, гўмбаз остидagi қолдулар композицияси Тошкент осмонида тунда қўринадиган юлдузлар харитаси асосида шакллантирилган. Уларни ифода этиш учун 90 донга “сваровский” тоши ва 650 дан ортиқ чироқдан фойдаланилгани мазкур залга алоҳида улугворлик бағишлаган.

Бу ерда Усмон Мусхафи билан бир қаторда юртимизга тегишли бўлган, турли сулолалар даврида яратилган 114 та нодир Қуръон қўлэма-си жамланган. Бу қўлэмалар Шарқ китобат санъатининг юксак намуналари сифатида нафақат диний, балки улкан тарихий, илмий ва бадиий қимматга ҳам эга.

Марказнинг очилиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ва нуфузи ошиб, дунёда ишончли ҳамкор сифатидаги роли ортиб бораётганини тасдиқлайди. Шу билан бирга, у стратегик дипломатия, халқаро хавфсизлик ва фаровонликни мустаҳкамлаш, мураккаб глобал даврда ҳамкорликнинг янги уфқларини очишга хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятли.

“  
Буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига қўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган. Бу улуг зотнинг ғоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимотини кенг ёйиш мақсадида биз Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий номидаги Халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Шавкат МИРЗИЁЕВ  
(БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқидан).

▼ Имом Бухорий мажмуаси.



Марказда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. “1001 ихтиро” лабораторияси орқали болаларда илм-фан, техника ва муҳандислик барвақт қизиқиш уйғотиш мақсад қилинган. Бу эса келажак авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Шунингдек, мажмуа фақат кўргазма майдони эмас, балки йирик илмий муассаса ҳам ҳисобланади. Бу ерда реставрация лабораториялари, хаттолик мактаби ва замонавий рақамли архив фаолият юритади. Худудда қатор нуфузли халқаро ташкилотлар ваколатхоналари жойлашгани марказ аҳамиятини янада оширади. Умуман, мажмуани Марказий Осиёдаги энг йирик маданий-илмий лойиҳалардан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Шу сабабли, дунё эксперт ва мутахассислари мазкур марказни ислом цивилизацияси илмий меросини замонавий технология орқали жаҳонга тақдим этувчи янги платформа сифатида қабул қилмоқда. Аини вақтда, уни маданий дипломатия ва туризм салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи стратегик объект сифатида таърифлаётганлар ҳам бисёр.

Эътиборлиси, ушбу улкан лойиҳани бунёд этиш жараёнида 40 дан ортиқ мамлакатдан 1 минг 500 га яқин мутахассислар иштирок этган. Хоразмдаги Маъмур академияси ёки Самарқанддаги Улугбек мадрасаси каби ўз даврида Марказий Осиёни дунёнинг етакчи илм-фан марказларидан бирига айлантирган муассасалар аънанасини давом эттирган ҳолда, Ислом цивилизацияси маркази янги авлод учун ушбу бой интеллектуал меросни қайта тиклашга хизмат қилади.

Бу шуни аниқлатадики, Тошкент шунчаки янги музейни тақдим этаётгани йўқ – у ўзининг илм-фан чорраҳаси сифатидаги тарихий мақомини қайта тикламоқда. Марказнинг БМТ Цивилизациялар альянси билан имзолаган меморандуми эса унинг глобал микёсдаги маърифий ва гуманитар аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди.

Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида донишманд подшоҳнинг тимсоли бўлмиш Мирзо Улугбекка шундай таъриф беради:

*Темурхон наслидин султон Улугбек,  
Ки олам кўрмади султон анингдек,  
Расадким боғламыш зеби жаҳондир,  
Жаҳон ичра яна бир осмондир,  
Қиёматга деганча ахли айём,  
Езларлар анинг аҳкомидин аҳком.*

Давлатимиз раҳбари Марказ очилишига бағишланган нутқидa ушбу баъиларга ишора қилиб, “**Ўз даврида Мир Алишер Навоий бобомиз Мирзо Улугбекнинг ўлмас мероси дунё тургунча турсин, деб тилак билдирган эди. Бизнинг ҳам орзу-мақсадимиз шундай: Ислом цивилизацияси маркази эл-юртимизга, жаҳон аҳлига ҳаминнат беминнат хизмат қилсин! Мана шундай улуг ишларнинг бунёдкори бўлган мард ва олижаноб халқимиз доимо омон бўлсин!**” деб таъкидлади.

Марказ қисқа муддат ичида халқаро нуфузли ташкилотлар ва нашрлар томонидан эътироф этилди. АҚШдаги Смитсон институтининг “Smithsonian Magazine” наشري талқинига қўра, ушбу мажмуа 2026 йилда дунёда энг катта қизиқиш билан қўрилган 10 та музейдан бири сифатида эътироф этилган. Шунингдек, “Condé Nast Traveler” наشري уни 2026 йил июнь ойида ташриф буюриш мумкин бўлган музейлар рўйхатига киритган, BBC Travel эса дунёдаги энг кўп қўрилган музейлар қаторига қўшган.

Биз ҳам Учинчи Ренессанс пойдевори дея таърифланаётган Ислом цивилизацияси маркази, ҳеч шубҳасиз, Британия, Лувр ва Метрополитен музейлари сафига қўшилишига, асрлар давомида юртимиз ва дунё ахли учун руҳий-маънавий озука оладиган бетимсол маърифат қошонаси бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Тўққиз йил олдин олий минбарда Имом Бухорий номи интрагани кечагидай ёдимизда. 2022 йилда “Олий даражали Имом Бухорий” ордени тасис этилиши ҳам буюк аллома хотира-сига кўрсатилган юксак эҳтиром намунасидир.

Рамазон ҳайити ва Наврўз байрамлари арафасида Президент Шавкат Мирзиёев Имом Бухорий мажмуасида якунига етган бунёдкорлик ишлари ва яратилган шароитлар билан танишди.

Мажмуа Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан буюк муҳаддис бобомизнинг ислом оламида тутган юксак макъен, улкан салоҳиятига муносиб тарзда қайтадан бунёд этилди.

Бу ерда зиёратчиларга ҳар томонлама қулай шароит яратилган. Хусусан, мажмуа қошида туризм маркази очилиб, ёндош 15 гектар майдонда замонавий инфратузилма яратилиб, шинам меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш ва сервис нуқталари барпо этилган.

Мажмуа илгари бир кунда 12 минг зиёратчига хизмат кўрсатган бўлса, ҳозир 65 минг нафар зиёратчини қабул қилиш қувватига эга. Унинг майдони 45 гектар. 10 минг кишига мўлжалланган улкан масжид, маъмурият биноси, 154 устунли, миллий услубдаги мухташам айвон қурилди. 14 та мовий гўмбаз, 75 метрлик 4 та минора қадмақола улугвор қиёфа бағишлаяпти.

Мажмуа таркибидa энг илғор ахборот технологиялари асосида 9 павильондан иборат ноёб инновацион музей ҳам барпо этилган. У ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоен этади.

Президентимиз бу жой фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши, Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ҳамда камолоти зиёратчилар, айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши кераклигини таъкидлаганди.

Шунинг учун ҳам ташриф давомида Имом Бухорий мажмуасида маънавий-маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, уни чинакам тарбия ва ибрат мактабига айлантириш, бу ерда имом-хатиблар, маҳалла фаоллари учун малака ошириш дастурларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

\*\*\*

Ушбу икки мажмуа Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда маънавий-маърифий йўналишидаги фаолият учун фундаментал база, ёшларимиз орасидан янги хоразмийлар, беруний ва улугбеклар, фарғоний ва ибн синолар, бухорий ва термизийлар етишиб чиқиши учун мустаҳкам маънавий майдон бўлажак! Бу барчамизнинг эзгу ниятимиздир.

# Воҳа аҳли эртанги кунга ишонч билан қарамоқда

▼ “Termiz city” лойиҳаси.



➔ 1 Жумладан, “Фаровон” массиви ва “Мангузар” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидa бунёд этилаётган 39 та “Саховат” маҳалла фуқаролар йиғинида қурилатган 22 та 9-16 қаватли турар жойларнинг муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш ишлари жадаллик билан олиб бориламоқда. Бу шунчаки қурилиш ва техник янгиланиш эмас, балки худудда электр таъминоти, ичимлик суви оқова тизими, иссиқлик ва йўл инфратузилмаси ҳам яхшиланади дегани.

Termiz шаҳар Мангузар маҳалласи худудидa “Termiz city” лойиҳаси асосида замон талабларига мос шинам, қулай ва субсидия имтиёзларига эга бўлган фуқаролар учун вилоятдаги тажрибали курувчилар жалб этилган ҳолда 9-12 қаватлардан иборат шаҳар типига мос кўп қаватли турар жойлар қуриломоқда. Вилоятдаги қурилиш бўйича умумий кўрсаткичлар 50 дан 90 фоизгача етган. “Termiz city” лойиҳаси асосида аҳолини сифати, шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида 2026 йил февраль-май ойларигача 1000 га яқин хонадон босқичма-босқич фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.



Айтиш керакки, эскирган уй-жой фондини босқичма-босқич янгиллаш, биноларнинг зилзилабардошлигини ошириш, фасад ички муҳитини замонавий талабларга мослаштириш, буларнинг барчаси инсонларга қулай шароит яратишга қаратилган. Шу маънода амалга оширилаётган реновация жараёнлари шаҳар меъморий қиёфасини янгиллаш билан бирга унинг инвестициявий жозибadorлигини оширмоқда. Янги уй-жойлар, замонавий муҳандислик тармоқлари, обод худудлар ва жамоат жойларининг барпо этилиши шаҳар аҳолисининг ҳаёт сифатида ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга янгиланган шаҳар муҳити тадбиркорлар фаолиятини ҳам рағбатлантиради. Янги иш ўринларининг яратилишига хизмат қилади.



Бугунги кунда Термиз шаҳрида 1991 йилгача қурилган 500 дан ортиқ 2 қаватли уйлар бор. Биргина Тўпроққўрган маҳалласида 70 дан зиёд икки қаватли уйлар мавжуд. 2024 йил декабрда Президентимизнинг тегишли қарори қабул қилиниб, 2027 йилгача ана шу маҳалладаги 2 қаватли уйларни бузиб, ўрнига янги уйларни массив сифатида қуриш белгиланган. Бу ерда хоржий инвесторлар томонидан 2 қаватли эски уйлар ўрнида 12 қаватли уйлар бунёд этилди. Мазкур турар жойларнинг биринчи қаватидаги тижорат майдонларида янги иш уйларини яратилади. Янги қурилган турар жойларнинг эскилардан фарқи уларок, иссиқлик тизимлари бўлиб, уларнинг ертўласида автотураргоҳлар ташкил этилади.

2026 йилда ҳам вилоятда 42 та уй-жойдан иборат 8 200 та хонадон қурилиши режалаштирилган бўлиб, аини пайтда лойиҳалаштириш ва смета ишлари тўлиқ амалга оширилди. Уларнинг бир қисми давлат дастурлари асосида, жумладан, “Янги Ўзбекистон” дастурлари асосида барпо этилаётган бўлса, қолган қисми хусусий тадбиркорлар томонидан талаб юқори бўлган худудларда амалга ошириломоқда. Уй-жой сиёсатида бундай ислохотлар фақат квадрат метрлар ёки статистик рақамлар билан ўлчанмайди. Бу – инсон қадрини ўлғаш, унинг турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлик сари қатъий қадам ташлаш демакдир.

## Бекобод тумани ҳокимлиги диққатига!

# Ибратга лойиқ ишлар кўп, аммо асосий муаммонинг ечимидан ҳануз дарак йўқ

Бекобод туманида ҳудудларни ободонлаштириш орқали инфратузилмани талаб даражасига келтириш ишларига жиддий киришилган. Бу жараёнда уй-жойга муҳтож аҳоли талабидан келиб чиқиб, тумандаги "Далварзин" МФЙ ҳудудида 8 та 5 қаватли турар жой қурилди. Бинолар ўзига хос услубда барпо этилган бўлиб, аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун барча шароит муҳайё.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

### Иссиқлик таъминотидан бебахра қолган ҳудуд

Аммо ана шундай қулай шароитда яшаш орзусида узоқ йиллар юқори ташкилотларга талаб ва мурожаатлар билан чиққан "Гулистон" ҳамда "Истиклол" МФЙ ҳудудларидаги 61 та кўп қаватли уйда яшовчи 836 та хонадон аҳли яқингача ҳам бу имкониятларга эриша олмаган. Энг ачинарлиси, туманга раҳбарлар келиб-кетаверди, лекин шундоққина ҳокимлик биноси биқинида жойлашган кўп қаватли уйлар ва улар атрофи тобора харобага айланиб бораётганига бирортаси назар ташламади.

Ушбу кўп қаватли уйларда яшовчи фуқароларнинг юқори ташкилотларга қайта-қайта чиқишлари бежиз эмас эди. Чунки бирорта уй марказлашган иссиқлик таъминоти ва канализация тармоғига уланмаган. Бу маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёши улларнинг айтишича, марказлашган иссиқлик қорхонаси ўз фаолиятини салкам ўттиз йил аввал тўхтатган. Муддатини ўтаб бўлган ишлаб чиқариш дастгоҳлари издан чиққач, уларнинг ўрнига замо-



навий техника ва технологияларни олиб келиб ўрнатиш шу кунга қадар ҳеч кимнинг ҳаёлига келгани йўқ. Аксинча, ўз вақтида хонадонларга уланган қурувлар кимлардир томонидан кесиб кетилган. Канализация тармоғи эса умуман йўқ. Муаммолар узоқ вақт ечим топмагани туфайли аҳолининг ҳафсаласи пир бўлганди.

Сабоби, оқова сув тармоғи йўқлиги учун ҳар бир хонадон эгаси деразадан қувор чиқарган ва уй ёнида ўра қазиб, унга улаб қўйган. Ёз кунлари бу ердан чиқаётган бадбўй ҳидга чидаб бўлмайди. Куз-қиш мавсуми бошланиши билан аҳоли "Бу қишдан қандай чиқамиз?", деган ташвишга тушади. Чунки иситиш тизими йўқлиги учун ҳар ким ўзи билганича турли хил қурилмалардан фойдаланиб келмоқда.

### Орзуларнинг барчаси ҳам ушалавермайди(ми)!!

Давлатимиз раҳбарининг маҳаллалар инфратузилмасини тубдан яхшилашга қаратилган тегишли қарори бўлганда Зафар шаҳарчасидаги 61 та кўп қаватли уйда яшаётган аҳоли-

нинг ҳам кўп йиллик орзусини ушалтиришга асос бўлди.

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан мазкур маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар атрофида иккита спорт майдончаси ва иккита болалар ўйингоҳи қуриб берилди. Ободлик оstonадан бошланишига амал қилган туман ҳокимлиги мутасаддилари ташаббус доирасида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишларини бошлаб юборишди. Қисқа даврда уйларнинг фасад ва том қисми тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ўзбошимчилик билан қурилган қурилмалар ихтиёрий равишда буздирилди. Улар ўрнида маҳалланинг янги биноси, одамлар ҳордиқ чиқарадиган айвонлар, ҳар бир уй олдида болалар ўйингоҳи, шахсий машиналарга мўлжалланган автотураргоҳлар, нон ёпиш учун тандирхоналар ва аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа имкониятлар яратилмоқда.

Бекобод тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Муҳаммадали Қодиралевнинг эътирофи эътиҳоти, вазирлик хомийлигида республика ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, ҳокимлик билан ҳамкорликда "Гулистон" ва "Истиклол" МФЙ ҳудудларида бошлан-



▼ Бекобод туманидаги турар жойлар.

ган бунёдкорлик ишлари замонавий лойиҳалар асосида жадал давом этмоқда. Шу кунгача "Йул харитаси" да белгилаб берилган режанинг тўқсон фоизи удаланди.

Айни пайтда асосий эътибор "Истиклол" МФЙ ҳудудида аҳоли ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган барча қулайликларга эга парк ва янги лойиҳа бўйича 24 соат фаолият юритилган кўчада бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Талабга мос келмайдиган дўконлар буздирилиб, янги лойиҳа бўйича савдо расталари, тикиш-бичиш цехлари, ҳостеллар, кўнгилочар масканлар қуриляпти. Булар тўлиқ ишга тушса, туман маркази замонавий шаҳарчага айланади.

Лекин юқорида таъкидланганидек, ушбу кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли учун иккита кечиктириб бўлмайдиган масала ҳамон муаммолигича қолмоқда. Яъни бу марказлашган иситиш тизими ва канализация тармоғидир. Туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими маълумотига кўра, дастур доирасида оқова сув тармоғи учун тайёрланган лойиҳани амалга ошириш сув таъминоти қорхонаси зиммасига юклатилган. Шу кунгача ҳар битта уй олдида иккитадан қоладец ўрнатилиб, қурувлар ётқизилди ва бетон ариқлар тортиляпти. Лойиҳа бўйича

канализациянинг умумий узунлиги бир неча минг метрни ташкил қилади. Ҳозирча маблағ етишмаётгани натижасида ишлар бироз сустлашган.

Туман қурилиш соҳасига масъул мутахассислар билан биргаликда ҳар иккала маҳалладаги кўп қаватли уйлар ва ён-атрофида олиб борилган бунёдкорлик ишларини ўрганиш жараёнида мутахассислар ҳар бир бажарилган ишга изоҳ бериб ўтишди. Аммо марказлашган иссиқлик тармоғини замонавий технология асосида қайтадан ишга тушириш ва хонадонларни таъминлаш масаласида қандай чора-тадбирлар қурилаётгани тўғрисида ҳеч ким лом-ним демади. Айтидан, бу масала дастурга киритилмаган ёки...

Кўп қаватли турар жойлар, уларнинг атрофи ҳар қанча обод ва кўркем манзилга айланмасин, зарур пайтда аҳоли иссиқлик таъминотидан баҳраманд бўлмаса, муаммо ортса ортадики, қамаймайди. Шу боис, туман ҳокимлигидаги мутасаддилар тез орада бу масалада амалий иш бошлашига ишонамиз. Чунки дастур доирасида олиб борилган ишларнинг асосий мазмуни-моҳияти аҳолига фаровон турмуш тарзини яратишдан иборат эмасми?



### Назорат тадбирлари давом этмоқда

Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси томонидан Фуқароларнинг ичимлик суви билан боғлиқ ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш бўйича "Тошкент шаҳар сув таъминоти" АЖ билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари иштирокида назорат тадбирлари ўтказилди.

**Муҳаммадҷон ТУГАЛОВ,**  
Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси матбуот хизмати бош мутахассиси.



Жараёнда фуқаролар томонидан ичимлик суви ҳисоблагичлари, тегишли ҳужжатлари жойида эканлиги ҳамда ноқонуний улашиш ҳолатлари ўрганилди. Хусусан, Сергели туманидаги "Дарёбўйи" МФЙ ҳудудида жойлашган хонадонлар уй-жой мулкдорлари томонидан сув ҳисоблагич ўрнатмасдан ичимлик сувидан фойдаланиб келгани маълум бўлди. Шунингдек, туманининг "Судиёна" МФЙ ҳудудида жойлашган хонадонлардан бирида фуқаро бир йилдан буён ҳисоблагич ҳужжатларини тўлиқ шакллантирмадан ичимлик сувидан фойдаланиб келгани аниқланди.

Қолаверса, Тошкент шаҳар Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси ходимлари "Тошкент шаҳар сув таъминоти" АЖ томонидан истеъмолчиларга тақдим этилган техник шарт талабларига риоя қилиниши юзасидан ҳам ўрганиш ишларини олиб боришди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори 2-иловаси билан тасдиқланган Қоидаларнинг 27-бандида белгиланган тартибда марказий ичимлик сув қурурига улашиш ҳолати кўздан кечирилди. Ўрганиш жараёнида, тақдим қилинган техник шарт талаблари бўйича ичимлик суви тармоғига улашиш ишлари бажарилганлиги, бироқ "Тошкент шаҳар сув таъминоти" АЖ билан икки томонлама шартнома тузилмасдан ичимлик сувидан фойдаланаётганлиги маълум бўлди. Мазкур қоидабузарлик ҳолати юзасидан Чилонзор тумани "Чилонзор" МФЙда яшовчи мулкдорга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 163-моддаси 1-қисми билан маъмурий жарима расмийлаштирилди.



Ушбу ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш, қолаверса, 2026 йилнинг январь ойида тасдиқланган Қўшма қарор ижросини таъминлаш бўйича ҳудудий инспекция ва сув таъминоти ташкилотининг масъул ходимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Мазкур йиғилишда тегишли қонун ва қарорлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, бу борада самарали ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, йиғилишда ҳудудий инспекция ҳамда сув таъминоти ташкилотининг асосий вазибалари бўйича тушунтиришлар берилиб, ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан масъуллар белгиланди. Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тармоқларига ўзбошимчилик билан ва ноқонуний улашиш, шунингдек, оқова сув тармоқларига меъёрдан ортқ ифлослантирилган оқова сувларни оқизиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида рейд тадбирларини янада самарали ташкил этиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

## Равон манзиллар сари муҳим қадам

Машиналар оқимининг кескин ортиши, янги бино ва иншоотлар қад ростлаши натижасида юк машиналари қатновининг кўпайиши йўл инфратузилмасига бўлган талабни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирмоқда. Айниқса, чекка ҳудудлардаги йўлларни таъмирлаш ва асфальтлаш аҳоли фаровонлигининг муҳим мезонидир.



**Зулфизар МАВЛОҶОВА,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги "Қорахони" аҳоли пункти автомобиль йўлининг 4-7 километри оралиғида кенг кўламли таъмирлаш-асфальтлаштириш ишлари бошланди. Маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўл "80 В 007" русумли, "Гиждувон-Қорахони-Кўрик-Денов" йўналишида жойлашган.

Кўча ва Қорахони маҳаллаларини туман маркази билан боғловчи автомобиль йўлида ҳозирги кунда механизациялашган пудратчи қорхона ишчи-мутахассислари томонидан ҳудудда йўлни қайта қуриш, таъмирлаш ишлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бунда "Гиждувон туман йўллардан фойдаланиш" унитар қорхонаси жамоаси алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.

Бу йўл туман марказидан узоқда жойлашган қишлоқ ва аҳоли пунктларини бир-бирига боғловчи муҳим транспорт йўналишларидан бири ҳисобланади. Шағал қарьерига қатновчи оғир юк автотранспорт воситалари ҳаракати сўнгги бир неча йилда бу йўлни таъмирталаб аҳволга солган. Асфалт ердан кўтарилиб, йўлда ўнқир-чўнқирлар пайдо бўлган.

Маҳаллий аҳолининг муурожаатлари эътиборисиз қолмади. Мукамал таъмирлаш дастури доирасида республика бюджети маблағлари ҳисобидан 2 миллиард 326 миллион сўм маблағ ажратилди. Режага кўра, йўлнинг 3 минг метр бўлган қисми бутунлай янгиланиб, замонавий қиёфага келтирилди.

Таъмирлаш-тиклаш ишлари тўлиқ якунланганидан сўнг, йиллар давомида чанг ва лойдан қийналган аҳоли учун равон ва хавфсиз йўл тўхфа этилди. Бу эса, нафақат кундалик қатновнинг енгиллашиши, балки ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий алоқаларнинг мустақамланиши, демакдир.

# Меъмор аёлнинг илм ва жамиятга хизмати

Ўзбекистон меъморчилик мактаби тарихида ўзига хос из қолдирган, илм-фан, амалиёт ва педагогикани бирлаштира олган сиймолар кам эмас. Аммо ана шундай ноёб шахслар орасида Тўлқиной Қодированинг номи алоҳида эҳтиром билан тилга олинади.

**Абдужаббор АЛИКУЛОВ,**  
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Унинг ҳаёт йўли нафақат бир инсоннинг касбий камолоти, балки бутун бошли давр меъморчилик тафаккурининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир. У нафақат моҳир архитектор, балки етук олима, талабчан педагог ва жамоат арбоби сифатида миллий архитектура ривожига улкан ҳисса қўшган сиймолардан бири ҳисобланади.

1935 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Тўлқиной Қодирова ўз фаолиятини 1959 йилда Ўрта Осиё политехника институтини тамомлагандан сўнг бошлади. Унинг дастлабки иш жойи Ўзбекистон Давлат лойиҳа институти бўлди.

Шундан сўнг, илмий изланишларга чуқур шўнғиган олима Тошкент санъатшунослик институтини аспирантурада тахсил олиб, илмий фаолиятини давом эттирди. Бу босқич унинг кейинги ютуқлари учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтади. Унинг илм йўли эса оддий тадқиқотчилик билан чекланиб қолмади. 1970 йилда архитектура фанлари номзоди илмий даражасини қўлга киритган, докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилиб, соҳадаги етакчи мутахассислардан бирига айланди.

Тўлқиной Қодирова.



нография ва рисолааларни ўз ичига олади. Ушбу асарлар нафақат ўз даврининг долзарб масалаларини ёритган, балки бутун кунда ҳам меъморчилик тарихини ўрганишда муҳим илмий манба сифатида хизмат қилмоқда. Хусусан, унинг "Совет Ўзбекистон меъморчилиги", "Замонавий Ўзбекистон меъморчилиги" ҳамда "СССР халқлари санъати тарихи" каби фундаментал асарлари алоҳида аҳамият касб этади.

## Жамоат ва давлат бошқарувидаги фаоллик

Тўлқиной Қодирова ўз фаолияти давомида нафақат илмий ва амалий меъморчилик соҳасида, балки нуфузли раҳбарлик лавозимларида ҳам самарали фаолият олиб борган етук ташкилотчи сифатида намоён бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси раиси сифатида соҳа

вакилларини бирлаштириш, миллий меъморчилик мактабини ривожлантириш ва янги лойиҳаларни қўллаб-қувватлашда муҳим ташаббусларни илгари сурди. Шу билан бирга, маданий ёдгорликларни таъмирлаш илмий-тадқиқот институти раҳбарияти таркибиде фаолият юритиб, тарихий обидаларни асраб-авайлаш, уларни илмий асосда реставрация қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Бундан ташқари, қурилиш ва меъморчилик йўналишидаги раҳбарлик фаолияти орқали давлат миқёсидаги қарорлар қабул қилинишига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Бу эса унинг нафақат мутахассис, балки стратегик фикрловчи раҳбар сифатидаги салоҳиятини ҳам яққол намоён этди. Айниқса, 1980-1992 йилларда Архитекторлар уюшмасига раҳбарлик қилган даври мамлакатимиз меъморчилиги учун муҳим ўтиш босқичи бўлиб, соҳада янги ланишлар, замонавий ёндашувлар ва миллий анъаналарни уйғунлаштириш жараёнлари қизгин тусга кирган эди.

## Устозлик – энг улуғ мерос

Тошкент архитектура-қурилиш институти (ҳозирги университет)да 20 йилдан ортиқ педагогик фаолият олиб борган Тўлқиной Қодирова юзлаб шогирдлар тайёрлади. Унинг дарслари фақат назарий билим бериш билан чекланиб қолмай, талабаларда ижодий фикрлаш ва касбий масъулиятни шакллантиришга ҳам хизмат қилди.

Хусусан, Тўлқиной Қодировани ўзига устоз билиб, шу соҳага қадам қўйган, бугунги кунда эса педагогик фаолият юритиб ёшларга билим ва тажрибасини улашиб келаётган Наргиза Талипова ҳам ўз хотираларида устозни шундай эслайди:

– Мен учун Тўлқиной Қодирова нафақат етук архитектор ва олима, балки ҳақиқий маънавий устоз ҳам бўлган. У кишининг меъморчилик назариясига оид асарлари, айниқса, миллий анъаналарни замонавий архитектура билан уйғунлаштиришга қаратилган илмий қарашлари дунёқарашимга катта таъсир кўрсатган. Ҳар гал у кишининг ишларини ўрганар эканман, меъморчилик фақат бинолар қуриш эмас, балки миллат руҳи, тарихи ва маданиятини ифода этиш эканини ҳам чуқур хис қиламан. Шу маънода, Тўлқиной опа мен учун идеал тимсол, илмю манбаи бўлиб қолган. Уйлайманки, аёл кишининг касбий камолоти фақат унинг шахсий меҳнати билан эмас, балки оиладаги тарбия, устозлардан олинган сабоқ ва ҳаётидаги ана шундай буюк шахслар таъсирида шаклланади. Менинг ҳаётимда эса устознинг ўрни катта.

## Аёл меъмор феномени

Тўлқиной Қодирова фаолият олиб борган даврда меъморчилик кўпроқ эркаклар устулик қилган соҳа сифатида қараларди. Бундай ижтимоий қарашлар фониде унинг бу йўналишда



юксак натижаларга эришгани, шубҳасиз, катта жасорат ва қатъият тимсоли эди. У ўзининг чуқур билимга интилиши, изчил меҳнати ва мустаҳкам иродаси билан мавжуд стереотипларни амалда инкор этди.

У нафақат бу мураккаб ва масъулиятли соҳада ўз ўрнини топти, балки етакчи мутахассис, олима ва раҳбар сифатида эътироф этилди. Унинг фаолияти орқали меъморчиликда аёллар ҳам юқори натижаларга эриша олиши, ҳатто соҳанинг ривожига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкинлиги исботланди.

## Халқаро миқёсда тан олинган шахс

Тўлқиной Қодирова фаолияти доираси фақат мамлакат ҳудуди билан чекланиб қолмаган, балки халқаро миқёсда ҳам фаол иштирок этган етук мутахассис сифатида танилган. У Чехословакия, Италия, Англия, Япония, АҚШ каби қатор давлатларда ўтказилган нуфузли халқаро конгресслар, илмий анжуманлар ва маданий тадбирларда Ўзбекистон номидан муносиб вакил сифатида қатнашган.

1999 йилда Шарқ мамлакатлари Халқаро архитектура академиясининг ҳақиқий аъзоллигига

Лойиҳалар яратиш жараёнида.

сайланиши унинг нафақат Ўзбекистонда, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилган олима ва меъмор эканини тасдиқлайди.

## Эътироф ва муқофотлар

Тўлқиной Қодированинг кўп йиллик самарали меҳнати ва меъморчилик соҳасига қўшган улкан ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилган. Хусусан, 1986 йилда "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор" фахрий унвони берилиши унинг касбий муҳорати, фидойилиги ва соҳа ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак баҳоси бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, Тўлқиной Қодированинг ҳаёт йўли илм, ижод ва жамоат хизмати уйғунлашган ибратли мактабдир. У ўз фаолияти давомида миллий меъморчиликни илмий асосда ривожлантириш, ёш кадрларни тайёрлаш ва жамиятда фаол позиция эгаллаш орқали катта мерос қолдирди.

Бугунги кунда унинг илмий ишлари, педагогик анъаналари ва касбий мероси Ўзбекистон меъморчилиги ривожига муҳим ўрин тутаяди. У қолдирган из нафақат биноларда, балки инсонлар қалбиде, илм ва тафаккурда ҳам яшайди. Зеро, ҳақиқий меъмор фақат бинолар эмас, балки авлодлар тафаккурини ҳам бунёд этади.



# "Нега менга кам пенсия тайинланди?"

**Линиза НИЗАМЕВА,**  
Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Юнусобод тумани бўлими бошлиғи.

Ҳар бир фуқаро пенсия ёшига етиб, кўп йиллик меҳнати самарасини кўришни, кексалик гаптинини суришни мақсад қилади. Бунда, албатта, кекса ёшдаги даромад манбаи – пенсия муҳим ўрин тутаяди. Шу сабабли, ҳар бир инсон ёшилганда келгусидаги пенсияси ҳақида қайғуриши, бу даврга олдиндан тайёргарлик кўриши лозим.



**Маълумот учун:** аёлларда расмий ишлаб, иш ҳақи ҳисобланган ва яққа тартибдаги тадбиркор, ўзини ўзи банд қилган ёки хорижда ишлаган шахс сифатида ижтимоий солиқ тўланган даврлари жами 20 йил бўлганда 54 ёшдан ёшга доир пенсияга чиқиш имтиёзи мавжуд.

Бунда, юқоридаги даврлар учун камида 7 йил иш стажига эга бўлганда фуқаронинг ҳарбий хизмат, олий ўқув юртидаги кундузги ўқиш ҳамда бола парварishi учун таътилда бўлган (ҳар бир бола учун 3 йил, жами 6 йилгача) даврлар ҳам умумий иш стажига қўшилади. Пенсия тайинлашда фуқаронинг расмий ишлаган даври ва солиқ тўланган иш ҳақи (даромади) инобатга олинади. Яъни, фуқаро расмий ишлаб, расмий даромад олган сари йилма-йил пенсияга чиқиш ҳуқуқи шаклланиб боради.

Демак, ҳар бир фуқаро иш фаолияти ва даромадини расмийлаштириш орқали пенсияга тайёргарлик кўриб боради.

## Рақамлаштириш – муҳим масала

Барчамиз пенсияга чиқиш вақти яқинлашганда пенсия ҳақида ўйлашни бошлаймиз. "Энди менга қанча пенсия чиқар экан?", "Юқори миқдорда пенсия олармикимман?" каби саволлар бизни қамраб олади. Яъни энди биз пенсияга қандай чиқиш, қаерга мурожаат қилиш, пенсия қандай ҳисобланиши, бунда нималар ҳисобга олинишига қизиқамиз. Пенсия тайинлангандан сўнг эса кўпчилик фуқароларимизда "Нега менга кам миқдорда пенсия тайинланди?", "Менинг ҳисобим бўйича кўпроқ пенсия олишим керак эди?" каби саволлар тугилади.

Юқоридаги каби саволлар фуқароларда бўлмаслиги, имкон қадар кўп миқдорда пенсияга чиқиш учун пенсия ёшига яқин қолган фуқароларимиз, шунингдек, ёшлар кўйидаги тавсияларга риоя қилиши лозим:

- **биринчидан**, меҳнат фаолиятингиз расмий шаклда кетаётганлигига, ишлаётган ташкилотингизда сизга иш стаж иезиб борилаётганлигига ишонч ҳосил қилинг. Бунинг ўзингиз мустақил равишда [my.gov.uz](http://my.gov.uz) портали орқали текшириб олсангиз ҳам бўлади;
- **иккинчидан**, рақамлаштириш даврида яшаётганлигимизни ҳисобга олиб, ўз иш берувчингиздан иш стажларингиз тўғрисидаги маълумотларни рақамлаштиришни талаб қилинг;
- **учинчидан**, ташкилотингиз томонидан сизга расмий шаклда иш ҳақи тўланаётганлигига эътибор беринг. Бунда, сизга ҳисобланган иш ҳақи, ҳақиқатан қўлингизга оладиган иш ҳақингиз, ушлаб қолинаётган даромад солиқлари, жамғариб борилаётган пенсия учун ўтказилаётган маблағлар ва бошқаларни доимий равишда текшириб боринг;
- **тўртинчидан**, агарда сиз норасмий шаклда фаолият юритаётган бўлсангиз, ўз-ўзини банд қилган ҳолда рўйхатдан ўтиб, Пенсия жамғармасига белгиланган тартибда ижтимоий солиқ тўлаб бориңг. Бу орқали сиз иш стажингизни кўпайтириб борасиз;
- **бешинчидан**, пенсия қонунчилигига оид янгиликлар, маълумотлар билан мунтазам равишда танишиб бориңг, киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалардан хабардор бўлиңг;
- **олтинчидан**, ҳозирда меҳнат фаолияти юритмаётган бўлсангиз, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлишларига меҳнат дафтарчангиздаги маълумотларни рақамлаштиришни сўраб мурожаат қилишингиз лозим. Бунда, рақамлаштирилган маълумотларингизни [my.gov.uz](http://my.gov.uz) порталида кўришингиз мумкин.

Меҳнат фаолиятингиз тўғрисидаги маълумотларни ҳозир рақамлаштириб қўйсангиз, пенсияга чиқиш вақти келганда ортиқча овора бўлиб юрмайсиз.

# Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 1-2 апрель саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ёрдамчиси **Достонбек Гулмаматов**,

"O'zshaharsozlik LPT" ДМ Шаҳарсозлик хўжалигини ишлаб чиқиш бошқармаси етакчи иқтисодчиси **Шаҳло Каримова**, Иқтисодий режалаштириш ва шартнома муносабатлари бўлими бошлиғи ўринбосари **Нодирбек Мирзааҳмедов**,

"Ўзоғирсоаноатлойиҳа" АЖ ОИСК етакчи муҳандиси **Канат Умиров**, ОППР қоровули **Иляс Дуйсенов**,

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими архитектура ва қурилиш соҳаси бўйича бош мутахассиси **Ғайрат Аметов**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси қоровули **Достон Халмурзаев**,

Самарқанд вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош мутахассиси **Жасур Ҳамраев**, мутахассис **Умар Худойқулов**, лаборант **Темурмалик Исмоилов**,

Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги "Тўзал шахрим гулласин" БСК МЧЖ бош директори **Садриддин Тожиддинов**,

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги "Abrog Gold Quruvchi" БСК МЧЖ бош директори **Абдидин Султонов**, Учтена туманидаги "Zolotoi Znak Uka" БСК МЧЖ бош директори **Зоҳид Ходжамов**, Юнусобод туманидаги "Newfortuna" БСК МЧЖ бош директори **Хонзода Артикаева**,

"Иссиқлик таъминоти" АЖ Бухоро вилояти филиали Бухороэнергомарказ пайвандловчиси **Насим Идиев**, Самарқанд вилояти филиали бош муҳандиси **Жамолиддин Усмонов**, боғбон **Шухрат Маматқуловларни** таваллуд кунини билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сизхат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!**



**Тахрир хайъати:**  
Шерзод Хидоятгов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алимов, Озода Жўраева, Сирожиддин Эшқувватов, Қомил Туляганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Элмуродов, Илхом Аҳмедов.

**Тахририят:**  
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов  
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Жўраева  
Саҳифаловчи – Акмал Маҳмамов  
Мусаҳҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашра таъёрланди.

**"Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**  
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги  
"ЎЗАШҚЛИТИ" МЧЖ,  
"ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ,  
"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ,  
"ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**Тахририят манзили:**  
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефонлар:**  
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.  
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.  
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.  
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.  
Навоий вилояти: 99-731-17-40.

Наманган вилояти: 91-365-07-36.  
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.  
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.  
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.  
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.  
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бюроғимиз – Г-341. 1262 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоиси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – 21.10. Топширилди – 22.00.